



ТОШКЕНТ ОҚШОМ

ШАҲАР
ИЖТИМОИЙ-
СИЕСИЙ
ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган


№ 54 (9.398) 2000 йил 8 май, душанба

Сотувда эркин нархда

**Хотира ва Қадрлаш
куни халқимизни яна-
да бирлаштиради,
унинг руҳига малҳам
бўлади, иродасини ба-
қувват, иймонини бу-
тун қилади.**

Ислом КАРИМОВ

Билки, ҚАДР билмак аслида — ВАТАН, Ватаннинг маъноси боқий — ХОТИРА.



ФАХРИЙЛАРГА ҒАМХЎРЛИК

Юртимизда меҳрга, эътиборга муҳтож инсонларни эъзозлаш, моддий-маънавий қўллаб-қувватлаш халқимизга хос азалий одатлардан биридир. Хотира ва Қадрлаш кун арафасида Вазирлар Маҳкамасининг «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги қарори эълон қилинган эди.

Мухбиримиз Тошкент шаҳар ижтимоий таъминот бошқармаси ижтимоий ёрдамни ташкиллаштириш бўлимининг бош мутахассиси Мавлуда Шерматова билан шу хусусда суҳбатлашди.

— Хотира ва Қадрлаш кун шундай улуг ва эъзозли байрамки, унда инсон қадри улуғланади, халқимизнинг асл фарзандлари хотираси

эъзозланади. Дарҳақиқат фахрийларимиз доим эътибордадирлар. Шу тўғрисида ҳам Вазирлар Маҳкамаси «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида» қарор қабул қилди. Ана шу қарор асосида пойтахтимизда истиқомат қилаётган 9037 нафар иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг ҳар бирига 5000 сўмдан жами 45 миллион

185 минг сўм пул мукофоти берилиши кўзда тутилган.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги 5 миллион сўмлик ногиронлар аравачиси ва эшитиш мосламаларини қаровга муҳтож фахрийларга соғна қилиш ниятида.

Шуниси диққатга сазоворки, шаҳримизда яшайдиган 101 нафар ёлғиз қарияларнинг уйларига туманлар ҳокимликлари ва-

киллари ва маҳалла оқсоқоллари бориб пул мукофоти ҳамда совғаларни тантанали равишда инъом этиладилар.

Пойтахтимизнинг Қорақамиш даҳасида жойлашган Саҳоват уйида истиқомат қилаётган 31 нафар фахрийларга ҳам пул мукофоти ва совғалар шу ернинг ўзида топширилади.

Муборак байрам арафасида барча ҳамшаҳарларимизни, хусусан фахрийларимизни қутлуг айём билан кутлаймиз. Бахтимизга яна кўп йил узоқ умр кўринг, доим эъзозда бўлинг, азиз боболар.

Суҳбатдош
Баҳодир
ХУДОЙБЕРГАНОВ.

«МАҲАЛЛА» ВА «НУРОНИЙ» КАМАРБАСТА

Уруш ва меҳнат фахрийларига, ногирон ва муҳтожларга ғамхўрлик қилиш, уларни эъзозлаш барчамизнинг эзгу бурчимиздир. Айниқса, «Маҳалла» ва «Нуроний» жамғармалари бу борада сидқидилдан кенг қўламадаги фаолиятни амалга оширмоқдалар. Бизнинг ушбу жамғармаларнинг раҳбарлари билан суҳбатимиз ҳам Хотира ва Қадрлаш байрами муносабати билан амалга оширилаётган ишлар хусусида бўлди.

• **Азизжон ҒАДОЙБОВ, «Маҳалла» хайрия жамғармаси Тошкент шаҳар бўлимининг раиси:**
— 9 Май — Хотира ва Қадрлаш байрами кун барча уруш қатнашчилари, шахидлар ва қаттагонга учраганлар оилаларини қамраган ҳолда пойтахтдаги 445 та маҳаллада байрам дастурхонлари ёзилади. Бундан ташқари 2,5 минг нафар уруш қатнашчилари ва қаттагонга учраганлар оилаларига 5 миллион сўмлик ёрдам пули «Маҳалла» хайрия жамғармаси ва ҳомий ташкилотлар томонидан тарқатилади. 500 га яқин уруш ногиронларининг уйларига байрам совғалари етказилади.

9 Май кун Хотира майдони, 12 майда эса «Шахидлар хотираси» ёдгорлик мажмуасига ҳамшаҳарларимиз зиёратлари уюштирилади. 9-10 май кунлари эса барча маҳалла-ларда бадий ҳаваскорлар жамоалари иштирокида концертлар уюштирилган ҳолда уруш фахрийлари билан учрашувлар ўтказилади.

Бугун Собир Раҳимов туманидаги «Чигатой Оқтепаси» маҳалласида мурувват маркази очилди. Унда фахрийлар, но-

ронлар, ночор оилалар ҳам дам олишади, ҳам бепул овқатланишади. Бундай марказларни бошқа туманларда ҳам очиш ниятимиз бор.

• **Ғафур ШАМШИЕВ, «Нуроний» жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими раиси ўринбосари, ижрочи директори:**

— Бизнинг асосий вазифамиз ва фаолият йўналишимизни жамғармамизнинг номи ҳам айтиб турибди. Хозир шаҳримизда тўққиз минг нафар уруш ва меҳнат фахрийлари истиқомат қилмоқда. Уларнинг 5 минитасини алоҳида эътибор ва ғамхўрликка муҳтож ногиронлар ташкил этади. Уларга моддий ёрдам қўрсатадиган, хонадонларини таъмирлаш, телефонлар ўрнатишга қўлашамиз. Касба-ушмалари ва ижтимоий-таъминот идоралари билан ҳамкорликда фахрийларга дам олиш уйлари, санаторий-ларга йўлнамалар берамиз.

Хотира ва Қадрлаш кунда жамғарманинг барча туман бўлимида фахрийларни таъриқлаш, маҳалла йўналишлари билан ҳамкорликда концертлар уюштирамиз. «Нуроний» сўхатгоҳида байрам кунда тўқин дастурхон ёзилади. Хасталиги сабабли байрам тадбирига кела олмайдиган фахрийларнинг уйларига бориб совғалар билан кутлаймиз. Уруш ва меҳнат фахрийларига ўзига хос байрам совғаси сифатида эса яқинда Самарқанд шаҳрига саёҳат уюштирдик.

Фурсатдан фойдаланиб, шаҳримиздаги барча уруш ва меҳнат фахрийларига мустахкам сўхат-саломатлик ва узоқ умр тилаймиз.

Дамир ИСАЕВ ёзиб олди.

Газетанинг бугунги махсус сонидagi материаллар 9 май — Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган.

ДАВР САДОСИ БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СУНИТИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишни тақомиллаштириш тўғрисида» қарор қабул қилди.
- Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида нефть ва газ саноатини ривожлантириш масалаларига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

- Кеча, бугун ва эртага мамлакатимизнинг барча бурчларида Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган тантаналар бўлди, бўлади ва бўлиб ўтади. Бу тантаналарда уруш ва меҳнат фахрийлари шарафланиди.

- «Камолот» жамғармасининг Қорақалпоғистон Республикаси бўлими ҳузурида «XXI аср аёли» деб номланган марказ иш бошлади. Унинг дастлабки машғулотини «Буюклигинг унутма, аёл!» шиори остида ўтказилди.

- Когон воқолида янги «Бухоро-Самарқанд-Бухоро» йўналиши бўйлаб йўлга тушган поезд дастлабки йўловчиларни манзилга элди.

- Нукусда Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлиги таълим маркази томонидан «Йил тарбиячиси — 2000» танлови ўтказилди.
- «Маҳалла зиёси» республика ўқув-услубий марказида «Маҳаллада тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес» мавзусида амалий семинар бўлиб ўтди.

- Гулистон шаҳрининг йирик турар жой даҳасида, тўртинчи ва бешинчи мавзела-р туташган жойда ёпик бозор қурилиши бошланди. Бу бозорда 250 та савдо растаси ва 30 та дўкондан

ташқил топган тижорат мажмуи бўлади.

- Пойтахтнинг Юнусобод тумани ижтимоий таъминот бўлими ҳузурида «Меҳр-муруват» жамоат маркази очилди.

- Пойтахтдаги 199-мактабда «Меҳнат байрами» ўтказилди. Унда шаҳардаги туманларнинг 12 та мактабидан вакиллар қатнашди.

- Кеча «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонаси томонидан мумтоз мусиқа асарларидан иборат концерт намойиш этилди.

- «Зарафшон» концерт залида республика тўртинчи «Модалар байрами» бўлиб ўтди.

ЖАҲОНДА

- Кеча Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг давлат раҳбари вазифасини бажаришга киришишга бағишланган тантанали маросим ўтказилди.

- Бирлашган Араб Амирликларига ташриф буюрган Фаластин мухторияти раҳбари Есир Арафот ушбу мамлакат Президенти шайх Зайд бин Султон ан-Нахйён билан учрашди.

- АҚШ, Буюк Британия ва Франция ҳукуматлари БМТ Бош қотиббининг Сьерра-Леонедаги халқаро кучларга ёрдам сифатида у ерга қўшимча ҳарбий куч жўнатиш тўғрисидаги илтимосига рад жавоби берди.

- Бугун «Инсонларварлик кучи» шиори остида бутун дунёда Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой жамияти кунини нишонланади.

- Кеча Тожикистон президентлик гвардиясининг олти нафар ҳарбий хизматчиси ҳарбий юк автомашинаси ҳалокатга учраши оқибатида вафот этди. Ушбу фалокат натижасида йигирма уч ҳарбий хизматчи ҳароқат олди.

- Бугун Истанбулда жаҳон радиокommуникацияси анжумани ўз иштини бошлади. Унинг иш-ида дунёнинг 150 мамлакатидан вакиллар ишти-рок этмоқда.

- Учинчи босқич овоз бериш натижаларига

кўра Туркия парламенти мамлакатнинг янги Президентини сайлади. Мамлакат конституциявий судининг ҳозирги раиси Ахмет Неҳмет Сезер Туркиянинг янги Президенти этиб сайланди. У 16 майдан бошлаб ўз лавозимини бажаришга киришди.

- Бразилияда собиқ президент Фернандо Коллорнинг рафиқаси коррупцияга алоқадорликда айбланиб, 11 йиллик муддатга қамол қилинган. Розана Коллор эри президент бўлган вақтда хайрия жамғармасига раислик қилган эди. Суд қароридида кўрсатилишича, у катта миқдорда жамғарма маблағларини ўзлаштирган.

- Филиппинда фаолият қўрсатаётган айирмачи гуруҳ томонидан гаровга олинган юз кишининг етмиш нафари озод қилинди.

- Германияда собиқ Югославия бўйича мулоқот гуруҳининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда асосан Косоводаги вазият билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

- Январдан буён Косовода ўлдирилганлар орасида 48 албан, 212 серб, 9 лўли бўлган, қолган мурдаларнинг шахси аниқланмаган.

- Японияда энг йирик «Сого» универмаглар тизимининг молиявий раҳбари 63 ёшли Ясухара Абэ уйда ўзини осиб ўлдириди. Сабаб Ясухара компаниясининг 1,7 триллион иен (16 миллиард доллардан зиёд) лик қарзини узоқмаган.

- Будапештда қарат бўйича Европа кубогини мусобақалари якунланди. Унда 30 та давлат клублари қаторида Европа қарат федерациясининг махсус тақлифига кўра Осиё мамлакатларидан бири — Ўзбекистон жамоаси ҳам иштирок этди. Ўзбекистонлик спортчилар 7 та олтин, 2 та кумуш, 6 та бронза медалини қўлга киритиб, европалик мухлислар эътиборини қозонди.

- Индонезиянинг Сулавеси оролида қучли зилзила юз берди. Силкиниш қучи Рихтер ўлчови бўйича 6,5 баллга тенг бўлган.

- Мексикада мамлакатдаги энг катта наркотра-төлнинг асосчиси бўлиши Исмонил Игуера Гуэрре-ро ҳибсга олинди. Маъмулотларга қараганда у раҳ-барлик қиладиган картел ҳар йили АҚШга тонна-лаб кокаин жўнатган.

АНЪАНАВИЙ «ҲАВАС-2000» МУСОБАҚАЛАРИ ЯКУНЛАНДИ

КЕЧА

«Динамо» теннис кортларида вазирликлар, республика идоралари, ҳокимликлар, шаҳри-мизда фаолият қўрсатаётган дипломатик корпус вакилла-ри иштирокида ўтказилган анъанавий «Хавас» турнири ўз нихоясига етди. Қизқарли ўтган беллашувлардан сўнг яқка тартибда сиз суратда

қуриб турган «Ўзбекистонга-ноат» ассоциацияси раисининг ўринбосари Федор Ким га-лаба қозониб «Муҳлислар меҳ-ри учун» махсус соврини би-лан тақдирланди.

- «Хавас-2000» мусоба-қаларининг якунига бағиш-ланган тўла ҳисоботни газе-таимизнинг тўртинчи саҳифа-сида ўқийсиз.

Танишинг: олимпиадачиларимиз

СОВРИНДОР БЎЛИШ НИЯТИДА

раш гиламига тушган.

Қатор халқаро мусобақалар ғолиби. 1991 йили собиқ Итти-фок чемпиони бўлган, 1993 йили жаҳон чемпионатида иккинчи ўринни эгаллаган. 1994 йили Яхши ният уйинларининг ғоли-би бўлган. 1998-йилги Осиё уйинларида кумуш нишонларни қўлга киритган. Шу йили Ўзбе-кистон Республикаси Мустақил-лиги Кубогининг соҳиби бўлган. Сидней олимпиадасига йўллан-мани 1999 йили Анкарада ўтган жаҳон чемпионатида бешинчи ўринни эгаллаган ҳолда кўлга киритган. Қуни кеча Хитойда якунланган Осиё чемпионатидан ҳам юксак зафар қўниб қайтди.

— Осиё чемпионатида ўз куч-имкониятларини яна бир қара-ра синаб кўрдим. — дейди Ра-сул Катинавасов. — Эндиликда



Теннис



- Расул КАТИНАВАСОВ — эркин кураш бўйича Ўзбекистон тарма жамоасининг аъзоси. 85 килограммгача бўлган вазида беллашади. 1969 йили туғилган. «Динамо» жамиятида шугуллана-ди. Халқаро тоифадаги спорт устаси. Илк бор 14 ёшида ку-

Красноярскдаги Иван Яригин хотира-турнирида иштирок этиб, олимпиадага тайёргарлигини кейинги босқичини ўтайман. Олимпиада яқинлашгани сари спорт формани тобора яхши-лашга ҳаракат қилияман. Родри-гес Кулинец (Куба), Адам Сейт-тисев (Россия), Каджис (АҚШ)-лар эса олимпиададаги асосий рақибларим қаторига қиради. Улар билан турли хил халқаро мусобақаларда илгари беллаш-ганим сабабли юқоридаги кураш-чиларнинг қучи ва кўчк томон-ларини яхши билман. Қўрға қандай рақибларни танлашга ҳам кўп нарсга боғлиқдир. Олим-пиада уйинларида совринли уйинлардан бирини эгаллашни астойдил ният қилганман. Бу-нинг учун эса бутун тажрибам-ни ишга соламан.

Хусан КАЗАКОВ.

